

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2025 йил май ойининг 22 куни жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг раиси С.Содиқов, судья ёрдамчиси Д.Мирхалилованинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Миробод туман прокурори ёрдамчиси С.Абдурахмонов, судланувчи А.Нурмухаммадов ва жабрланувчи М.Нурмухаммадоваларнинг иштирокида, Нурмухаммадов Абдулла Нурмаматовичга нисбатан 1-1002-2501/429-сонли жиноят ишини кўриб чикди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Нурмухаммадов Абдулла Нурмаматович (Nurmuxammadov Abdulla Nurmamatovich), 17.07.1987 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, тўрт нафар вояга етмаган фарзанди бор, муқаддам судланган, жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 12.10.2023 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан иш ҳақимнинг 10 фоизини давлат даромади ҳитсобиغا ушлаб қолган ҳолда 1 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, суднинг 15.01.2024 йилдаги ажримига кўра, ЖКнинг 46-моддасига асосан ўталмаган 1 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси шу муддатга озодликни чеклаш жазосига алмаштирилган, суднинг 05.08.2024 йилдаги ажримига кўра, ЖКнинг 48¹-моддасига асосан ўталмаган 11 ой 26 кун озодликни чеклаш жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Гулистон туман судининг 19.11.2024 йилдаги ажримига кўра, ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмаган 8 ой 12 кун жазоси шу муддатга иш ҳақининг 15 йоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, Миробод тумани ИИО ФМБ Пробация гуруҳининг 14.05.2025 йилдаги маъхлумотномасига асосан жазонинг 3 ой 2 куни ўталмаган, вақтинча ишсиз, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Эски Саракул кўчаси, 4-уй, 29-хонадонда яшовчи, иш бўйича “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 2-қисми билан айбланган.



Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, дастлабки тергов жараёнида, судда тўпланган далилларни текшириб ва муҳокама қилиб қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи А.Нурмухаммадов ундан фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг 12.08.2019 йилдаги 2-1002-1921/29785-сонли ҳал қилув қарорига асосан ундирувчи Нурмухаммадова Муқаддам Бахрамовна фойдасига 27.01.2011 йилда туғилган Нурмухаммадова Шохинабону Абдуллаевна ҳамда 10.10.2014 йилда туғилган Нурмухаммадов Шаҳриёр Абдуллаевич исмли фарзандларининг таъминоти учун то улар вояга етгунга қадар қарздорнинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва бошқа турдаги даромадларининг 1/3 қисми миқдорида 23.03.2019 йилдан бошлаб алимент ундириш белгиланган бўлишига қарамасдан суднинг юқорида кўрсатилган ҳал қилув қарорига биноан моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган шахсни моддий таъминлаб туриши учун М.Нурмухаммадова фойдасига алимент пул маблағларини тўлаб бориш унинг мажбурияти эканини билса-да, алимент пулларини туламаганлиги учун жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туман судининг 12.10.2023 йилдаги ҳукми билан судланган ва жазони ўтаб туриб, хавфли рецидивист бўла туриб, ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, вояга етмаган шахсни моддий таъминлаш чорасини кўрмасдан, ундирувчи М.Нурмухаммадова фойдасига ундирилиши лозим бўлган маблағни 01.08.2023 йилдан 01.03.2025 йилга қадар, икки ойдан ортиқ муддат мобайнида жами 23.995.280,7 сўм миқдоридаги алимент қарздорлигини тўлашдан бўйин товлаган.

Судланувчи М.Нурмухаммадов суд мажлисида айбига тўлиқ иқроп бўлиб, қуйидагиларни, яъни М.Нурмухаммадова билан биргаликдаги қонуний никоҳ қурганлиги, қонуний никоҳдан 27.01.2011 йилда Ш.Нурмухаммадова, 10.10.2014 йилда Ш.Нурмухаммадов ўғли исмли фарзандлари туғилганлиги, ўртадаги ўзаро оилавий келишмовчиликлар келиб чиққанлиги, жабрланувчи М.Нурмухаммадова фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судига алимент пул маблағларини ундириш мақсадида судга даъво аризаси киритганлиги, суднинг 12.08.2019 йилдаги суд буйруғига асосан жабрланувчи М.Нурмухаммадова фойдасига вояга етмаган икки нафар фарзандининг моддий таъминоти учун то улар вояга етгунга қадар ҳар ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/3 қисм миқдорида алимент 23.03.2019 йилдан бошлаб ундириш белгиланганини, бироқ моддий томондан қийналгани сабабли алимент пулларини тўлай олмаганини, шу сабабли жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туман судининг 12.10.2023 йилдаги ҳукми билан судланганини, жазони ўташ жойларидан озод этилганидан сўнг моддий томондан қийналгани сабабли М.Нурмухаммадова фойдасига ундирилиши лозим бўлган алимент пулларни тўлай олмаганини ва умумий қарздорлиги 23.995.280,7 сўмни ташкил қилишини, мазкур қарздорликни тез кунларда қоплаб беришини,



қилмишидан пушаймонлигини, уни оилавий шароити ва моддий ахволини инобатга олиб, енгилроқ жазо тайинлашни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи А.Нурмухаммадовнинг айби ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, қуйидагилар билан ўз исботини топади, жумладан

Жабрланувчи М.Нурмухаммадова суд мажлисида қуйидагиларни, яъни А.Нурмухаммадов билан 2010 йил 27 апрель куни қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганини, қонуний никоҳдан 27.01.2011 йилда Нурмухаммадова Шаҳинабону ва 10.10.2014 йилда Нурмухаммадов Шаҳриёр Абдулла ўғли исмли фарзандлари туғилганини, А.Нурмухаммадов билан ўзаро келиша олмаганлари сабабли у билан 2014 йил октябрь ойидан буён бирга яшамаётганларини ҳамда фарзандларини моддий таъминламагани сабабли, у А.Нурмухаммадовдан алимент ва моддий таъминот ундириш учун 2019 йил август ойида фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судига ариза билан мурожаат қилганини, суднинг 12.08.2019 йилдаги буйруғига асосан А.Нурмухаммадовдан унинг фойдасига вояга етмаган икки нафар фарзандининг таъминоти учун 23.03.2019 йилдан бошлаб то улар вояга етгунига қадар ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/3 қисми миқдорида алимент ундириш белгиланганини, бироқ А.Нурмухаммадов алимент пулларини ўз вақтида тўламаганини, шу сабабли бир мартаба судланганини, ҳозирги кундаги қарздорлиги 23.995.280,7 сўмни ташкил қилишини, мазкур қарздорликни ундириб, А.Нурмухаммадовга нисбатан қонуний жазо тайинлашни сўраб кўрсатув берди.

Бундан ташқари, судланувчи А.Нурмухаммадовнинг айби суд мажлисига ҳозир бўлмаган гувоҳ А.Рустамхўжаевнинг дастлабки терговда берган кўрсатувлари тарафлар розилиги билан ўқиб эшиттирилганида судланувчи томонидан тасдиқланганлиги, шунингдек билдирги, тушунтириш хатлари, фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг 12.08.2019 йилдаги ҳал қилув қарори, ижро варақаси, расмий огоҳлантирув хатлари, жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 16.02.2022 йилдаги қарори, алимент қарзини қайта ҳисоблаш ҳақида қарор ва унга илова ҳужжатлар, банк маълумотномалари ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини тўлиқ топган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи А.Нурмухаммадовнинг ҳаракатлари квалификациясига ҳуқуқий баҳо бериб, тергов органи томонидан унинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 2-қисми, хавfli рецидивист томонидан моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламасликда ифодаланган аломатлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган



тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланиши белгиланган.

Суд, судланувчига жазо тури ва муддатини белгилашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида, “судларнинг эътибори, жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозим”лиги, шу Қарорнинг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак.

Суд, судланувчи А.Нурмухаммадовга жазо тури ва муддати тайинлашда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига мувофиқ уни шахсини, оилавий шароитини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб эътироф этишни, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига мувофиқ жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб эътироф этишни, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларни инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 2-қисми билан санкцияда назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, шунингдек мазкур жиноий ҳаракатларни жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 12.10.2023 йилдаги ҳукми билан тайинланган жазони ўташ даврида содир этганини эътиборга олиб, унга ЖКнинг 60-моддаси тартибида узил-кесил жазо тайинлашни лозим топади.

Бундан ташқари, суд жиноят иши юзасидан етказилган моддий зарар масаласини муҳокама қилиб, судланувчи А.Нурмухаммадовдан жабрланувчи Нурмухаммадова Муқаддам Бахрамовна фойдасига 23.995.280,7 сўм ундиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 28-моддаси ҳамда ЖПКнинг 454-460, 465, 472-моддаларини қўллаб, суд хайъати

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Нурмухаммадов Абдулла Нурмаматович (Nurmuxammadov Abdulla Nurmatovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва шу модда билан унга иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддаси тартибида тайинланган жазога жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 12.10.2023 йилдаги ҳукми билан тайинланган жазонинг ўталмаган қисмини қисман қўшиш йўли билан А.Нурмухаммадовга иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромади



ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 1 (бир) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо мазкур жазо ижросини назорат қилувчи орган белгилаб берган бошқа жойларда ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати маҳкум жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошланган кундан ҳисоблансин.

Жазони ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар Миробод туман ИИО ФМБ Пробация гуруҳига юклатилсин.

А.Нурмухаммадовга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Судланувчи А.Нурмухаммадовдан жабрланувчи Нурмухаммадова Муқаддам Бахрамовна фойдасига алиментдан бўлган қарздорлиги 23.995.280,7 (йигирма уч миллион тўққиз юз тўқсон беш минг икки юз саксон) сўм ундирилсин.

Апелляция шикояти ва протест ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи томонидан эса унга ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида берилиши, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация шикояти ва протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи:

С.Содиқов

